

Франциядаги сиёсий тузумни ағдариб, ҳокимият бошига келишни ўзига мақсад қилган бир канча бир-бирига қарама-қарши гуруҳлар бутун Парижни қамал қилган. Қун-у тун Париж қўчаларида тинимсиз қурол ўқлари изғир, ўқлар зарбига уй деворлари бағри қалқон эди. Гўё дод солганча деворлар тўкила бошлар, дераза ойналари парчаланиб, гўдақдек қинқирарди тинмай.

Ана шундай нотинч даврнинг қунларидан бирида жажжи бир болақай уй деворларига биқинганича ўта эҳтиётқорлик билан кетиб борар, ортига эса матога ўраб қўйилган ниманидир яширганича ўзи билан олиб олганди. Қўчанинг ҳар бир ерига эҳтиётқорлик билан қўз югуртираркан, шундан кейингина аста қадам ташларди. Бу ҳолни синчиковлик билан қузатиб турган бир неча ўспирин ёшдаги болақайлар уни мазахлаганча қичқира бошлашди: “Қуёнқорак!”

Шунда икки ўспирин бола болақайнинг икки қўлидан торта бошлайди, яна бири эса унинг ортидан туртганча қўчанинг қок ўртасига судраб келишади. Болақай типирчиларкан: “Қўйиб юборинглар!” - дея қичқирарди.

- Сен қўрқоксан! Қуён қорак!, - дея болақайни ҳақорат қилишади.

Шу он қутилмаганда қаердандир милтиқдан отилган дайди ўқлардан бири гўнқиллаб келиб болақайнинг боғлик тугунига урилади. Тугун ичида эса нимадир тарсиллаб синиб кетади.

“Нима қилиб қўйдинглар! Энди дадамга ейишлари учун нима олиб бораман?”, - дея хўнграб йиглаб юборади болақай.

- Даданг қаерда? - хайратда сўрашади болалар.

- Мудоқоа деворлари ортида, урушда. Уйимиздаги сўнғи ушокқача унинг ҳузурига элтмоқчи эдим.

Шу сўзларни аччиқ ўқинганча айтаркан, болақай хуштак қалиб дайдиётган ўқлар тўфонига қарамай сочилиб кетган қартошқа ва нон бўлақларини териб олди, сўнғ ҳеч бир ҳадиксиз мудоқоа деворлари ортига, дадасининг ҳузурига шаҳдам қадам ташлаб йўлида давом этади.

Немис тилидан Фуркат Соатов таржимаси